

84(543)

X **Юсуф Худойқул**



CN0000034588

Кўнглим чечаги

84(543) 013545/2

X87

Худойку Ю.
книжки черн


Т., 13.

84(5Y3)
У87

Юсуф ХУДОЙҚУЛ

Кўнглим чечаги

Шеърлар



013545/2

Тошкент - 2013

КВК 81.10 (3 Ўзб)
Х-30

Юсуф Худойкул шеърлятида лирик жанр алоҳида кўзга ташланиб туради. У Кўнгил кечмишларини бор-борича қоғозга туширади.

Шундан шеърлий сатрлар табиий чиқади. Юсуф Худойкул фалсафий фикрларини ҳам ҳаётга боғлаб сатрларга туширади. Ҳаёт ҳақида мушоҳада юритади. Ўйлаймизки, ушбу тўплам сизга манзур бўлади.

ISBN 978-9943-381-09-4 © «Navroʻz» нашриёти 2013

Юсуф Худойкул, “Кўнглим чечаги” — 2013

Ватан

Кўзларимга инган меҳр
хусни жамолингдан, ватан,
Чехралар ял-ял ёнодур барку
камолингдан, ватан,
Шон шукуҳим, жисми жоним
жўш уриб турса агар —
Тинч, мусаффо ҳаёт берган
истиклолингдан, ватан.

Ҳар саболар эпкинида юз чаяр
 Барг ёзар гунча чаманда, ул қуёш
 Дам-бадам кўнглим фахрда,
 Тинч, мусаффо ҳаёт берган
 Боғларингда сайр этарман
 Чашмадан тошган зилол
 Шу диёр менинг юртим,
 Тинч, мусаффо ҳаёт берган
 Қўзларимга инган меҳр
 Чехралар ял-ял ёнодур
 Шон-шуқуҳим, жисми жоним
 Тинч, мусаффо ҳаёт берган

тонгда гиёҳ,
 тафтида оҳ,
 қўлдаги созим гувоҳ,
 истиқлолингдан, ватан.
 бағрим осмондек баланд,
 сувларинг обиноввот,
 бошим бўлди сарбаланд,
 истиқлолингдан, ватан.
 хусни жамолингдан ватан,
 барқу камолингдан ватан,
 жўш уриб турса агар —
 истиқлолингдан, ватан.

Ҳолат

От кишнайди ойдин кеча,
Тўлғанади чавандоз.
Ўғриларга тўлган кўча,
Уйғонади чавандоз.

Ит хурур чўзиб-чўзиб,
Ғичирлайди дарвоза.
Чавандозга гўё сирли,
Пичирлайди дарвоза.

Деразадан тушган оппоқ
Ой нурига бурканиб,
Пар тўшакда нозик ниҳол
Ухлайди қониб-қониб.

Дарпардани торта туриб,
Қарашгандек бўй қизлар —
Мовий гумбаз дарчасидан
Қиқирлашар юлдузлар.

Чавандоз-чи, от ёлини
Силаб-сийпаб қайтади.
Ариқ суви жимирлашиб
Сирли кўшиқ айтади.

Тонг оқарар ойдан оппоқ
Тунлар билан талашиб.
Қолмиш қизин оқ рўмоли
Атиргулга илашиб.

Қизғалдоқ

Кафтимда қизғалдоқ товланар,
Қирмизи дудоғи хушбичим.
Бу жойда юраклар овланар,
Етмайди жонимга ўз кучим.

Бораман ортидан соллона,
Арқонлар судрайди танимни.
Сўнгагим ичига ялина
Яшириб қўяман жонимни.

Саболар сотқин-а, саболар,
Гумроҳлик сувига қоришиқ.
Гирдобга етаклар иболар,
Эрким-ла чўкаман, мен ошиқ.

Ҳаёт ҳақида кўшиқ

Шовуллаиди қамишзор тунда,
 Зулмат ичра йитар ўнгу сўл.
 Элас-элас ташланар кўзга
 Қамишзорда ёлғизоёқ йўл.
 Бу дам бўйга етган қизига
 Онажони сўйларди эртақ:
 — Қамишзорда қашқир кўп, болам,
 Кўп эҳтиёт бўлмогинг керак.
 Кел, у йўлга ишқинг тушмасин,
 Бахт етаклаб келади сабр.
 Кўплар юрди бу йўлдан, аммо
 Қолди фақат улардан қабр.
 На жисми бор, унда на жони,
 Қабри бўм-бўш, даҳшатдир бари.
 О, қизгинам ростини десам,
 Кўмилгандир унда қалблари!..
 Шовуллаиди қамишзор тунда,
 Қиз қалбида ўксиган орзу.
 Деразанинг пардасин суриб,
 Қамишзорга титраб боқар у.
 Сирли йўлак саркаш хаёлин
 Тортқилайди, аммо кўп машғум.
 Атрофида номсиз шарпалар
 Кезинади, чорлаб бетиним.
 Қора шарпа имлади шу пайт,
 Ажиб туйғу оғушлаб олди.
 Жонсизгина гингшиди эшик,
 Сўнг қамишлар шитирлаб қолди.
 Оқарганда сокингина тонг,
 Она чиқди қарши олгани
 Ва кўрди у эшик олдида
 Қалбсиз жисм тунаб қолганин...

* * *

Бир хил яшаш тегаркан жонга,
Бошляяпман телбача ҳаёт.
Энди юрак йўлбошчи менга,
Бажараман айтганин фақат.

Кенг хонани тор демак гуноҳ,
Сигмаяпман дейиш, бу тухмат.
Ахир, улкан эмасмиз бу чоғ,
Майдалади бизларни қисмат.

Майли, мени қилинг ҳақорат,
Мен юракка бердим измимни.
О, дўстларим, қолип ичра бот,
Кўриб қолдим ногоҳ ўзимни.

Темур қабри қошида

Минг бир савол яшар ўспирин қалбда,
 У барига жавоб топавермасди.
 Тўзгиган хаёлин жамлаш чун эса,
 Унга иблис сира имкон бермасди.
 Жаҳонгир қабрига бордилар икков,
 Ўспирин бош эгди сукут ичра, жим,
 Шайтон деди: “қани сўрагин, жўра,
 Уни ўлдирганми биронта ганим?”
 Ўспирин пичирлаб гудранди, аммо
 Бу кўҳна қабрдан чиқмади садо.
 “Кимга вафо қилди бу дунё, нодон,
 Сўра-чи, у бурчин этганми адо?”
 Қорайган тупроқда сукут ҳукмрон,
 Васвасасин қўймас узун дум шайтон:
 “Босқинчи, дер уни, ростмикин, жўра,
 Сўраб бил, ўзи ҳам олармикан тан”.
 Ўспирин ҳижжалаб пичирлаган он,
 Ларзага келди-ку қорайган қабр:
 “Тангри ёрлақан мени, набирам,
 Сенга-чи бермабди заррача сабр.
 Босқинчидан юртни озод этай деб,
 Жанг қилдим, бу йўлдан қайтмадим сира.
 Қон таъмини тотган қиличим ҳамда
 Ғалабалар қилди кўзларим хира.
 От чопдим гоҳ қирда, гоҳи саҳрода,
 Мағлублик нимадир билмадим, эй воҳ!
 Тангри инъом этмиш менга қудратни,
 Бандайдим сен каби, менда не гуноҳ?
 Қўй энди, қийнама, ўз ҳолимга қўй,
 Сенсиз ҳам қийнади қалби кўмирлар.
 Юртингни ёв босса, озод этай деб,
 Тирилиб келгайми энди Темурлар”.

* * *

Кондуктор, бас, етар, ахир, ҳазилингни қўй,
Ўзбекчалаб тушунтирдим, тушунгин, жўра!
Юрак бағрим эзаяпти, сен билмаган куй,
Дардим англаб маҳзун боқди юлдузлар, қара!

Чипта дея қистайверма, йўқ менда чипта,
Кўзғатмагин дилда ётган ўкинчларимни.
Дема: “Чиптанг йўқса, бола, бор тушиб кет-да”,
Тушгин десанг, олиб кетгин соғинчларимни.

Баҳор

Яна баҳор бошланди, она,
Ухламади майсалар шу кеч.
Чигирткалар хониши ичра
Зулмат ўкинч, сукунат ўкинч.

Новдаларда уйғонди титроқ,
Пиндик ёра бошлади куртак.
Она, бари ҳаётнинг мангу
Эканига ишора демак.

Ана қуруқ ёғоч шохида
Митти баргин ёзар пўпанак.
Заъфарон тус хазонга, ахир,
Бу кўкламни исёни лак-лак.

Тўда-тўда яйдоқ юлдузлар,
Бунча ширин ёнар хотиржам.
Ҳислар жўшқин, эҳтирос жўшқин,
Олий ишқнинг хислати бу ҳам.

Қиқир-қиқир кулар бойчечак,
Заррин сочар жаннатий иқлим.
Навбаҳорнинг қувонч ёшига
Яйдоқ қалбим чўмилар лим-лим.

Яна баҳор бошланди она...

* * *

Бир қулоч илдизин ерга узатиб,
Танига бир ором истаган янтоқ.
Кўксини азобдан тиконлар босиб,
Гуллардан узоқда яшагандек тоқ —
Яшайман танҳо.

Муҳаббатми кўксимда кўкарган янтоқ,
Заррадан кўрмаган бу ерда шафқат.
Залворли пошналар эзгиласа ҳам,
Барибир ҳаётни севгандек, ҳайҳот! —
Севаман қон-а.

Тикони оғуми, қочади ҳамма,
У ҳеч кимдан таъма истамайди, йўқ!
Чопсалар баҳорда барг ёзаверар,
Яшаш завқин менга бахш этиб ёвуқ —
Муҳаббат яна.

Болалик

Мени, эркка тўла болалигим ҳам,
Хўжадан аразган қўлдек тарк этди.
Севиб, севилмаган гўдагим бу дам
Эрксевар самога бош олиб кетди.
Ҳорғин кечаларда ажиб сукунат,
Ажиб тароват бор шундан мужассам.
Мафтун юрагимда эҳтирослар бот,
Содиқ яшар унга, ичгандек қасам.
Ойдин кечаларда кўринади из,
Бағрига чорлайди тунлари доим.
Болалигим билан рақс тушар юлдуз,
Ўғринча қараши жуда мулойим.
Малак, энди менинг гуноҳим кечир,
Ёнингда юрсамда хаёлим унда.
Мен кўкдан топганим дилга сирдош бир,
На дўстдан тополдим, на ёрдан бунда.

Сангзор оҳанглари**Азим Отамуродовга**

Мен дарё кечаман басма-бас,
Товонимга ботаверсин тош.
Оқаётган оддий сув эмас,
Бобо Ойқор кўзидаги ёш.
Қўй, дўстгинам, ғамимни ема,
Йўлим олсин майлига тўлқин.
Тўлқин аро эгасиз кема
Сув измида қолгандек бу кун —
Мен дарё кечаман барибир.
Дарёлар-да ғанимат ахир,
Уларнинг ҳам кушандаси бор —
Балки одам, балки у тақдир...

* * *

Кузларингда уйқу йўқди, сездим барин,
Тун сочини турмакларди тонгнинг қошида.
Эҳтиросга тўла қалблар лаҳзалар қадрин,
Англатарди бу юракка армон ёшида —

Манзил яқин, деразадан қуйилмоқда нур,
Сиримиздан огоҳ эмас, ахир, бу олам.
Балки бизни учраштирмас қайта ҳеч тақдир,
Рози бўлгин кетар чоғи, розиман мен ҳам.

Сўнгсизлик

Марвар тут қошига қайтаман дилхун,
Ўтган онларини ким ҳам унутар.
Беғубор дамларнинг қисқа ва узун
Ойдин хотираси қалбимда ётар.
Хотира — ялтирар мисоли кумуш,
Кўзни олар, лекин жўштирмас сира.
Қоронғу тунларни айлаган сархуш —
Ажина момодан қолган хотира.
Бола эдим мен ҳам онам қизғондим,
Акаларим менинг онам деган дам.
Бу боғдан саралаб гуллар узгандим,
Тикони бағримга қадалди бирам...
Дўстларим қизғондим ўзга дўстлардан,
Тунда бекинмачоқ ўйнар маҳали.
Қоқилмай дегандим баланд-пастлардан,
Вақт тўхтамаслигин сезмасдим ҳали.
Мана, яшаяпман, чулғайди ўйлар,
Табиат яралмиш тенгу тўшила.
Ортимда қолгани жарангдор куйлар,
Кетолмадим, нетонг, куйга қўшила.
Демишлар ўтмишга ачинма зинҳор,
Эртани ўйлама, бўй бермас ахир.
Тириклик тўнида юрганда бир бор,
Хотиржам яшашга қўймас барибир.
Кўм-кўк адирларга тугаш даралар,
Пурвиқор тоғларда ғорлар ҳам мавжуд.
Қоқилиб кетдингми, дилни яралар,
Катта йўлда ётган битта тош вужуд.
Ўйламай бўларми ҳаётни асли,
Йўлингга ғов солса хасад деган ном.
Минг турда яралмиш одамзод насли,
Сени пойлагувчи бор, ичгандек қасам.
Кеча эрта учун қўйилган қадам,


Бугун яралмоққа етса тафаккур. —
Манглайга бос соат милин дамодам,
Етказгани учун айлагин шукр.
Ўйламай бўларми дала-ўтларни,
Майсалар жовдираб термулгани он.
Чимдиб еса майли, қўйгин, отларни,
Товони-ла одам топтаса ёмон.
Кўнгил кўнгил учун бегона эмас,
Ҳар қалбда яшагай эзгулик орзу.
Ва лекин бир ўй бор қийнамай қўймас, —
Ҳар ерда бедодлик, дил эзади у.
Марвар тут бор ҳали инсон бахтига,
Боболар одати яшайди ҳамон.
Ҳар кимса етишсин ўзин тахтига,
Ҳар кимса гард топмай яшасин омон.
Баридан юксакроқ бир ўй бор, билсанг,
Фалак гумбазида чақнайди юлдуз.
Англамоқ мушкулмас тафаккур қилсанг,
У Арш кешварида малоийка қиз.
Барча ҳам баробар боқмайди, аммо
Ким гул тутар, ким ирғитади тош.
Сеҳри-ла лол этар бу ажиб дунё,
Тош отганни қарғаб, демас бағритош.
Қайси бир бойвучча дебди минбарда:
Марсдан ҳовли-жой берармиш, қаранг.
Бундоқ разм солсанг, ернинг юзида
Ўзи-ку юрибди амаллаб, аранг.
Ўтган кун хотири келтирар ташвиш,
Қараб ҳам оларсан ўнгу сўлингга.
Эзгулик истаб сен бошлаб қолсанг иш,
Тош ташлаб қолмасин биров йўлингга.
Марвар тут қошига қайтаман дилхун,
Ўтган онларини ким ҳам унутар.
Беғубор дамларнинг қисқа ва узун
Ойдин хотираси қалбимда ётар...

Яҳё Тоға шеърига назира

Бу қизларни ўтгизда деб ким айтади,
 ҳечқиси йўқ,
 Ранг талашган чехрасидан нур қайтади,
 ҳечқиси йўқ,
 Замон шуми, ҳуснин ранглар бойитади,
 ҳечқиси йўқ,
 Бу қизларнинг турмушга ҳеч чиққиси йўқ,
 Чиққиси йўқ.

Лов-лов ёнган либослари кўзни олар,
 ҳечқиси йўқ,
 Лабларидан қирмизи ҳам ортда қолар,
 ҳечқиси йўқ,
 Замон шуми, дудоғига доим ёллар,
 ҳечқиси йўқ,
 Бу қизларнинг турмушга ҳеч чиққиси йўқ,
 Чиққиси йўқ.

Кўзинг олиб олов либос ёнса гар дил,
 ҳечқиси йўқ,
 Ёнган дилни бир кун келиб итқитар ул,
 ҳечқиси йўқ,
 Замон шуми, либосини атайди гул,
 ҳечқиси йўқ,
 Бу қизларнинг турмушга ҳеч чиққиси йўқ,
 Чиққиси йўқ.



Алвидо

Бугун менинг юрагим бўм-бўш,
Бир дўстимга айтдим алвидо.
Қоним сокин, урмаяпти жўш,
Хайр дўстим, хайрли видо.

Нетонг энди йироқдасан сен,
Бу дунёда учрашмоқ душвор.
Сўнгги марта қабринга бугун
Гуллар эмас, келтирдим ашъор.

Сатрларга томган томчи қон
Қизартириб қўйди қоғозни.
Дўст топганни сақласин омон,
Вафо учун жўрласин созни.

Хайр дўстим, хайр алвидо,
Қуёш қўяр уфқларга бош.
Сўрар бўлдим ҳаётдан танҳо,
Юракларга берсин деб бардош.

Қизгина

Чарақлаб боқади қизгина,
Нафасим тикилар бұғзимга.
Ой чехра — маъсума юзгина,
Юрагим қолдирмас ўзимга.
Адирлар бағримда уйғонар,
Лолалар очилар қирмизи.
Қаро соч кўксимда тўлғанар,
Юрагим устида бор изи.
Гул очар саҳрода саксовул,
Пишқирар сув тўлиб сардоба.
Олислаб боради бир овул,
Кутади йўлчисин ҳар даъфа.
Чопаман ортимда изгина,
Хаёлим олмоқчи ўзига.
Чорлади қошига қизгина,
Ишондим мен унинг сўзига.
Чарақлаб боқади қизгина,
Нафасим тикилар бұғзимга.
Ой чехра — маъсума юзгина,
Қолдирмас юрагим ўзимга...

Тилак

Ер осмоннинг буюк неъматини,
Шу муқаддас тупроқ ҳурмати,
Жаннат бунда, бор таровати,
Кўтарайлик дўстлар қадаҳни.

Боболарнинг шарафини, шони,
Момоларнинг буғдойи, нони,
Наслимизнинг улуғ имони,
Кўтарайлик дўстлар қадаҳни.

Тукилмасин сочлар толасини,
Йиғламасин ўзбек боласини,
Эшитилсин алла ноласини,
Кўтарайлик дўстлар қадаҳни.

Сўзимиздан ёришсин олам,
Юртни юртдан ҳеч қилмасин кам.
Мангу қолсин ўзбек деган ном,
Кўтарайлик дўстлар қадаҳни.

Иккиликлар

Беғам бўлиб қолди одамлар,
Кенг даврада ухлайверади...

* * *

Ёмғир мисол ёғилар юмуш,
Соябоним йўқотиб қўйдим...

* * *

Қораяди осмонда булут,
Тунд боқади ўрис дарахтлар...

* * *

Бу хонанинг чироғи ёруғ,
Тешилибди қўшни чўнтаги...

* * *

Барг чиқарди ҳовлидаги тут,
Бўлиқ бўлсин энди меваси...

* * *

Елим идишчада жимирлайди сув,
 Баландпарвоз гапдан титрайди гўё.
 Ичасан чанқоғинг қондирмайди у,
 Гўёки унга ҳам етишмас ҳаво.
 Чўзиқ суҳбатларга қоришар давра,
 Кўлмак сувга юзин чайгандай атроф.
 Елим идишчада қуруқшаган сув,
 Чашма суви каби бўлмас энди соф.
 Елим идишчага тикилдим бир оз,
 Хаёлимдан кечди аллақандай гап:
 Ақллилар ақлин жамлаб ичига,
 Кимлигин унутиб турибди мудраб.

* * *

Катта хона, тошдайин курси,
Тўлқинлари ўхшар сойларга.
Катта-катта сўзлар ёғилар,
Митти-митти болакайларга.
Онасига боқди анграйиб,
Ўов, бурчакда ўтирган қизча.
Ухламасди оғзини очиб,
Тушунсайди бу бола жичча.
Инжиқланиб йиғламсирар ким,
Вужудини интиқиш сиқар.
Эҳ, отаси тушунмайди ҳеч,
Энди қачон кўчага чиқар.
Жим турарми сўзамол устоз,
Фикр айтар, ақл чархлайди.
Опасининг пинжига кириб,
Манов бола энди ухлайди.
Зерикдими доскада устоз,
Мағрургина жойига келди.
У режани бажарди асли,
Ким билмаса, ким, ахир, билди...

Туркийлар (қасида)

Ерда улкан маҳлуқотлар
Яшаб, умри битганда,
Қодир кўкдан офат ёғиб,
Қирилишиб кетганда,
Турли, тусли одамларга
Тўлганда яна замин.
Унинг тугал бир бўлаги, —
Тангри суйган муаззин
Бўлган албат туркийлар.

Не фотиҳлар келди, кетди
Қонга белаб дунёни.
Чингиз тиғи янчиб ўтди
Тоғ сифат Туркиёни.
Эрк руҳи уйғоқ эса
Борки тутқун умрнинг.
Парчалади мўғил қўшқин
Ол шамшири Темурнинг
Қадди шамшод туркийлар.

Етмиш йилки буржий келди,
Кекса тарих гувоҳдир.
Турон бағрин яна тилди,
Барча эллар огоҳдир.
Огоҳ яна туркий элда
Бўлмаган ҳеч чегара.
У кун симлар тортди ерга
Эмас, қалбга, дил пора,
Кўрди кулфат туркийлар.

Тоғ бошидан қуласа тош
Бошга тегар, ёронлар.
Қалба зардоб, киприкда нам,
Юзга ёғар, ёронлар.
Торсо кулар, носоро шод,
Емирилди гоялар.
Жонсиз ҳайкал қошида тиз
Чўкдилар ҳамсоялар
Чекди ғафлат туркийлар.

От чопганда еру кўкни
Гумбурлатган туёғи.
Турк ерига туркни ҳоқон
Этган меҳр сиёҳи.
Қадринг парча қоғоз эмас,
Бори жисми тупроқдир.
От чоптиргил тоғлар аро,
Ҳали манзил йироқдир
Орзу қат-қат туркийлар.

“Кўкдан осмон босмади-ку,
Ёрилмади она ер”.
Химолайдек сарбаландсан,
Бошинг кўтар оға эр.
Билсанг, — сени беш бўлакка
Кимлар бўлиб ташлади.
Иситганда кўксинг қуёш
Руҳий ғазот бошлади, —
Бўлгай бунёд туркийлар.

Осмон кенгдир, чўнг қояга
 Бургут каби ургин тўш.
 Само сенинг, само сенинг,
 Баланд учгин, учиб жўш.
 Ўтиқодинг сотма, ўша
 Дўст деган ҳар ғанимга.
 Сен улуғсан тангри суйган,
 Сингдиrolсанг танангга
 Бўлгай обод туркийлар.

Бу дунёнинг қароси кўп,
 Оқи кам дер ёлғонлар.
 Икки рангни бир-биридан
 Ажратолмай қолғонлар.
 Ҳақ нурига кўксинг очгин,
 Кўнгил кўзи очилсин.
 Беш ботирим — оға-ини
 Ўз ерига сочилсин
 У кун ҳаёт туркийлар.

Бўлмас

Жон оларга сендек офати жон бўлмас,
Жон тутарга мен каби нотагон бўлмас.

Бургут урармиш тўш чўнг қояга, ҳаргиз,
Ки дардин англарга қояда жон бўлмас.

Чархи бебурд рафториға ошуфта сен,
Не тонг, ишқ аҳлига ёрсиз ватан бўлмас.

Майли сен қоя бўл, бургутдек урай тўш,
Деса десунлар Юсуфдек нодон бўлмас.

Этибди

Жисминг бало тоғини макон этибди,
Жисмим жафо қоясин имкон этибди.

Сайёд ов қушин сайдга учирган дамда,
Фалакми, икки кўзинг хунхон этибди.

Гурбат комига ташлабон бечорани,
Тонг сувин аксин юзинг афшон этибди.

Ишқ аҳли топибми қошингдек ёйни,
Сайдинг топса бағрини қон-қон этибди.

Тунни қаро деди ким янглиш, сочингдек
Қаролиқни бунёд ким, қачон этибди.

Мисрдан излама қўй, Юсуфинг минбаъд,
Пойингда кўр, жисмини бежон этибди.

Жон тутиб...

Жон тутиб жон чекарга

топмадим ҳақдин даво,

Ҳақдин юз бурсам агар,

борми ноҳақдин даво.

Дўстга кўнгил очдиму,

не сирки ғам ютди юрак,

Топдиму ҳам топмадим мен

“анал-ҳақ”дин даво.

Ким содиқ дўст истар

вафо бурмиш юзин қиблага,

Не тонг топмас эрса гар

тахти-бетахтдин даво.

Гарчи дунё бевафо, ол, менинг жонимни ол,

Топмасам гар охират жонга малакдин даво.

Дўст, ёр гар кечди сендан

кечмадинг ҳаргиз, Юсуф,

Бормикан айт оқибат ҳажри фалакдин даво.

Алданди дил, алданди дил

Бир қаро қошга бу кун, алданди дил,
алданди дил,
Ул нозик ёшга бу кун, алданди дил,
алданди дил.

Ой юзин чиммат аро беркитди
мен девонадин
Тун ичинда кун бакун, алданди дил,
алданди дил.

Кўргали рухсорини ёр кулбасин
тутдим макон,
Сорғариб кунпаякун, алданди дил,
алданди дил.

Оразин ишқин ўти солди жонима
минг ситам,
Дил ўртанар топмай якун, алданди дил,
алданди дил.

Воҳ, дедим мен, раҳм этмади,
кимда бор бундай мақом?
Ул паривашга не кун, алданди дил,
алданди дил.

Кечмоқ истаб ишқидин мен,
тарк айладим ёр кулбасин,
Вожабким, билдим шу кун, алданди дил,
алданди дил.

Ёлғизлик

Ёш эди у, атрофи қумзор,
Қувноқ туриб чекар эди ғам.
Кўз илғамас бир митти ёғду
Ёш қалбини чорларди мудом.
Чўл самодек кенг эди жуда,
Кенгликларга сиғмай қолди у.
Уни хаёл элитди олис,
Олисларга боғланди мангу.
Яралмаган дўстлик мукамал,
Тутиб бўлмас боқий ёрни ҳам.
Ҳоким бўлар ёлғизлик тугал,
Қайси қалбни баттар эзса ғам.
Қайғули дил — вайрона кулба,
Йўловчи ҳам қўнмас ҳеч қачон.
Яшар унда ёлғиз бир телба —
Тугалликни истаган инсон!

“Мен” лик

Узоқларга бош олиб кетдим,
 Жаҳолатга тўлганда жаҳон.
 Дўстларимдан нажот ҳам кутдим,
 Қайтиш учун бағринга ватан.
 Ҳа, мен эдим саргашта Фурқат,
 Тор эдими менга бу маскан.
 Йўқ, қувлаган, ахир, жаҳолат,
 Алам қолди Чор унсуридан.
 Жалол ҳам мен қувғинди ботир,
 Қиличимнинг дами қайтмаган.
 Ҳаёт менга нечун керакдир?
 Сен бўлмасанг ватан — онажон.
 Шайбонийдан кўксимдаги дард,
 Ўз ўлкамга сиғмадим, ёвқир.
 Ҳиндистонми паноҳим фақат,
 Ватан сен-ку, мен туғилган ер.
 Ўтган йиллар асрлар қанча?
 Келдимми, айт дунёга қайта —
 Яшаяпман кета-кетгунча,
 Йўқоттаним, дардларим айта.
 Бироқ дема: ҳар дам бўғилди
 Айрилиқда, хўрликда болам.
 Шу тупроқда ахир туғилди
 Ёвқирларинг, чекмам асло ғам.
 Темур бўлиб кездим дунёни,
 Туркийлардан қурдим саттанат.
 Бир оёқда ёққан зиёмни,
 Ўчиролмас ўлкалар абад.
 Инон, она, мен эдим ўша
 Наво бўлиб титратган жаҳон.
 Ситам тортиб, ахир ҳамиша,

Қошгинанга қайтдим, онажон.
Оқ сутингни таъмини қумсаб,
Девоним-ла келган Бедилман.
Ғанимларни сахрога бошлаб
Кетган, ўша Широқ ўғлингман.
Танидингми энди болангни,
Кўзларингда жилваланди нур.
Яратолсам истиқболингни,
Боболарим йўлбошчи эрур.

Онамга

Олис йўллар чорлар бетиним,
 Орқалайман сафар тўрвамни.
 Билмам қайдан топарман қўним,
 Ким келтирар ёвгон шўрвамни.
 Кўчаларда юрарман сангиб,
 Ризқ ахтарган дайди итдайин.
 Уйқунг қочса оппоқ тонг отиб,
 Дуо қилгин, кетмай бетайин.
 Қайгурма ҳеч, онажон тушун,
 Тўшагимдан топмасанг саҳар.
 Офтоб чиқмай итлар улушин,
 Ёмонликка йўймагин зинҳор.
 Йигит ризқи кўчада эмиш,
 Пешонамда борин кўрарман.
 Тақдир менга битмаган кумуш,
 Жанда тўнда тўлиб юрарман.
 Йўл олдидан тўрвамга, мана,
 Солиб қўйдим биттагина нон.
 Мусофирлик эзганда, она,
 Сени эслаб таскин топсин жон.
 Хайр энди кулбам, яхши қол, —
 Тугилганим — отам маскани.
 Хайр энди, онажон, хуш қол,
 Хайр далам — ўйнаб, ўсганим.
 Томорқада кўклаган ниҳол
 Мева солган дамда шигиллаб.
 Ғуж-ғуж бола тўпланган маҳал,
 Тўлатганда қўйнин ўгирлаб. —
 Мен қайтаман ўша кун албат,
 Бўм-бўш хона қолади тўлиб.
 Бир девона даллимас фақат,
 Ўз халқимнинг фарзанди бўлиб!

Япроқ

Чинорнинг шохида бир япроқ маъюс
 Нигоҳин узмади мовий кўкдан ҳеч.
 Ё самодан уни чорлади юлдуз,
 Фалакка учмоқни билганди ё бурч.
 Табаррук заминнинг инъомларин у
 Рад этди, баридан кечди дафъатан.
 Не истади кўкдан, бу сир қоронғу,
 Ё қурмоқ бўлдим юлдуздан ватан?
 Туну кун оромин йўқотди япроқ,
 Бетизгин хаёллар дардлади кўксин.
 Тушқунлик азоби тиглади кўпроқ,
 Қолди ёлғизликда, қолди ўксиниб.
 Ўзга япроқлар яшнади шодон,
 Парвона кўкламга қўшиқ бағишлаб.
 У тўдасин ёддан чиқарди, зотан,
 На сизди олганин само оғушлаб.
 Шум тақдир ҳукми бор, у-ку бешафқат,
 Ёш юрак шукуҳин сўндирди бир кун.
 Сарғая бошлади бандидан бот-бот,
 Елвизак устидан кулди яширин.
 Ай, сен бунча сирли тилсимсан баёт,
 Кулбадан қувилган руҳга йўқ ором.
 Лаззатли оғусан сен эса ҳаёт,
 Ичгани заҳарлаб қўйгайсан мудом.
 Йўқ, энди шафқат йўқ, дайди шамоллар
 Учириб кетишди, фойдасиз зори.
 Балки шундай яшар умри завоқлар,
 Уларнинг ҳеч ерда йўқдир мазори.

Баҳор

Саҳар уйғонаркан бурчини эслаб,
 Супруқсиз ҳовлиси ётади тўзғиб.
 Эриниб эғнига халатин ташлар,
 Кетолмай тушакдан кўнглини узиб.
 Ахири ҳорғин ҳол чиққан келинчак
 Каби, ер бағрини босганда губор,
 Шўрлаган бағридан доғин ювай деб,
 Юртимга бош эгиб келмоқда баҳор.

Оқ шеър

Йўқ, ўғри эмасман,
Кўзингизни олинг изимдан.
Нега тушунмайсиз, хола?
Ўғри эмасман,
Кутаяпман, холос.
Деразалар, деразалар —
Оғзига сигганча солиб,
Ғажияпти сабрим тушини.
Йўталманг, амаки,
Тун оғиб қолган, қоронғу,
Сездим кузатаяпсиз.
Ахир ўғри эмасман,
Тушунсангиз-чи!
Ўлжасин таъқиб этган
Овчи кўзлар
Киприк найзасин қадайдди,
Дераза туплаб ташлаган,
Ғажилган сабрни
Кучган бағирга.
Ним ёруғ хонада
Роҳатланиб керишар
Кимдир.
Кўзларим аламдан қадалар
Хонам дарчасига —
Менда калит йўқ!
Мўмиё истагандек ярадор кийик,
Қоронғу бурчакка
Яшириб қўяман гавдамни.
Дақиқалар
Фалак чархидек шошар.
Қонли оғзин ёпмас дераза,
Юрагим эзилиб кетди.
Ҳайқиргим келяпти бор овозим-ла:
Калитсиз қолган ижарачима-а-ан,
Мен ўғри эмасман, одамла-а-р!

Тиёншон тоғ тизмаларидаги ўйлар

Эргаш ака Мавлоновга

Тошлар ботиб қолган тоғнинг кўксига,
Хасталикдан қорайган юзида,
Бир ой олинмаган соқолдек, —
Пўпанаклар мавж уриб ётар.
Биз кўрмаган, аммо эшитган
Дунё ибтидосин кўрган бу тошлар.
Балки юртдан кетган
Мирзо Бобурнинг
Аччиқ кўз ёшларин
Сақлаётган тошлардир...
Темур сўнгги жангга кетаркан,
Шу тошларга ўлтириб
Қайтиш сўзин айтгандир.
Кутаётган тошлар...
Эҳ, юрт талашиб юрган кимсалар,
Юртни юртдан,
Овулни кентдан
Ажратган
Содда одамлар.
Тошлар ажратмас, тошлар тугалдир.
Одамлар тўхтанг!
Сиз қарзингизни узинг тошлардан!

Бобур нидоси

Оталар чироғин ёққан болалар,
Менга насиб этди чекмак нолалар.
Бир тилим қовундек умрим битгайми?
Ёт тупроқда таним қолиб кетгайми?
Қабрим хоки узра келиб бир сўқир,
Наҳотки дуосин ёт тилда ўқир?
Наҳот туркий отим изсиз йўқолар,
Ўзга қавм қабримга, наҳот тош қалар?
Замонлар келгайдир, ўзгарар дунё,
Адолат тожини кийгайдир, илло.
У кунлар менинг ҳам чироғим ёқиб,
Эслайди авлодим ўрнидан қалқиб:
“Ўтмишда бўлганди довонгир бир зот,
Темурий наслидан, битмишди баёт.
Ўзга юрт ҳаётин айламишдир банд,
Асли бизнинг юртга эди у фарзанд”.

Туморим

Ўзинг асра энди мени, туморим...

А. Пушкин

Эмасдир бу замон Темур замони,
 Қиличлар қонсираб ёзмас хуморин.
 Жанг олдидан лашкар эслаб худони,
 Кўзига сургмайди сени, туморим.
 Бу совуқ урушда қилич беҳуда,
 Атомлар қудрати даҳшат сололмас.
 Юраклар жўшқинмас, кўзлар осуда,
 Совуқ боқишлари музликларга хос.
 Тилингдан тишлайди жанглар беомон,
 Имонинг сўрайди авж олган жойда.
 Қадим одатларга келтирар қирон,
 Отасин сотади келганда фойда.
 Қум тўла соҳилга тўкилса додинг,
 Беватан дилларни ўртарми сира?
 Тарикдек сочилса очун фарёди,
 Ер юзини босиб кетарди, ёр-а.
 Амуга қарайман, Сирга ҳам илҳақ,
 Умидим сўнмаган, кўксимда зорим.
 Саргашта дунёда сиғинчим, бор ҳақ,
 Ўзинг асра энди мени, туморим.

Қашқадарё

Азим ҳисор бағрини тилиб,
Тўлқин отиб ҳар ён, ҳар тараф.
Оқар ҳамон олдга интилиб,
Қашқадарё, унга шон-шараф!
Йўқ, демасман қум заррасин зар,
Зилол сувин шарбат тўла жом.
Гарчи унда тарих заҳми бор,
Оддий дарё, бу Қашқадарём.
Темур отин туёқларидан
Қумлар учса кўтариб тўзон.
Мирзо Бедил бўёқларидан
Лаҳза қадрин топгансан, Ватан.
Дарё оқар ҳайқириб, жўшиб,
Қирғоғини ялаб-юлқалаб.
Аср ғами оқар қўшилиб,
Тарих оқар тоғни тилкалаб.
Шу дарёдир — кўзгуси ҳаёт,
Ташна қалбга шукуҳ бахш этган.
Йиллар оша янглонар баёт,
Авлодларга сув тутиб ўтган.
Мен дарёга боққаним замон,
Эшитилар отлар дупури.
Тасвир чизар бағримдаги қон,
Жило берар кўзларим нури:
Темур отин туёқларидан
Қумлар учса кўтариб тўзон.
Мирзо Бедил бўёқларидан
Лаҳза қадрин топгансан, Ватан!

Тўртликлар

Ким бизни хоҳлади, хоҳламадик биз,
Ким эса хоҳламас, хоҳлаган ҳам биз.
Ё фалак, ўйининг бунчалар қизиқ,
Хоҳлаган хоҳламас хоҳлаганда биз.

* * *

Кўкламга сочилмиш тангри жамоли,
Хабар ол, не кечди унинг аҳволи.
Нега тепкилайсан тупроқни нодон,
Тутмасми охират ернинг уволи.

* * *

Боланинг отага бир илтифоти,
Дунёни пойига келтирганча бор.
Отанинг болага минг илтифоти,
Ёмғир суви ғалвир тўлдирганча бор.

Озора жонни найлайн**(туркумдан)**

Осмон олти, ер етти,
Саногига етмадим.
Узун сочли қиз кетди,
Мен эргашиб кетмадим.

Лойсувоқли супада
Кечалар тўлғонганим.
Қовунзорда, қапада
Ёр қучиб уйғонганим.

Ариқ суви оқизик,
Оқди жажжи кемачам.
Ортида қолса чўзик,
Қайирди қўлим чечам.

Осмон олти, ер етти,
Саногига етмадим.
Узун сочли қиз кетди,
Мен эргашиб кетмадим.

II

Пода қайтар, қўлда таёқ,
Мол ҳайдаган ўспирин.
Қишлоқ йўли ёлғизоёқ,
Йўлдан олмайди кўзин.

Чакнагандек мисли чақин
Тонг юлдузи чўғланиб —
Тишлаганча зулфин учин
Келар бир қиз тўлғониб.

Пода қайтар, чанг-тўзонни
Кўтарганча фалакка.
Ишқ ўқийди шом азонин
Тўзон ичинда якка.

Чолдевордан бўйлаб кампир
Қичқиради “хош-хош”лаб.
Қирқ кокилни ола сигир
Кетар ортидан бошлаб.

Ёр юрагин ола кетган
Ола сигир, шошмай тур!
Лаъли лабдан сабо ўпган,
Эрта келсин, унда кўр!

III

Тун сиёҳ, қошинг сиёҳ,
Дил-бағир тошинг сиёҳ.
Ул қаролиқ ичра мен,
Жоним талошинг сиёҳ.

Ишқ домани қон-қон,
Оҳ чеккан садарайхон.
Ишқ яктагин барини
Юлди ул, оҳ Бекажон.

Тун сиёҳ, сочинг сиёҳ,
Зулфи қийғочинг сиёҳ.
Сочинга дилим боғлаб,
Олган оғочинг сиёҳ.

Тола соч арқон-арқон,
Ёр сиёҳ тун ичра хон.
Ой юзин соч-ла ёпиб,
Суйдим дегани ёлгон.

Тун сиёҳ, қошинг сиёҳ,
Дил-бағир тошинг сиёҳ.
Ул қаролиқ ичра мен,
Жоним талошинг сиёҳ.

IV

Қаро сочинг яловдор от,
Кифтинг ғазот еридир.
Олов туғинг ўт муҳаббат,
Юрагимнинг шўридир.

Хито атир гули янглиг,
Очилади, сўлади.
Бағрим менинг алвон қонлиғ,
Кўзчаларнинг кулади.

Кун тушаги қирмиз шафақ,
Ёстиғи намозшом гул.
Муҳаббат сен, пок сенда, пок,
Офтоб сенга тушган қул.

Англолмадим, бу нечук сир?
Гул танида чирмовуқ —
Бўса олар лабидан, кўр,
Ишқ, сенинг кўзинг юмуқ.

Қаро сочинг яловдор от,
Кифтинг ғазот еридир.
Олов туғинг ўт муҳаббат,
Юрагимнинг шўридир.

V

Гул водийнинг кучоғига
Сигмаган юрагим бор.
Бу дунёга менинг, дўстлар,
Нима ҳам керагим бор.

Сув оқар шилдир-шилдир,
Бу қандай ажиб куйдир?
Агар ишқ куйи эса,
Кўнглим оч, уни тўйдир!

Қирмиз барги сарғайса гул,
Гунча бўла оларми?!
Муҳаббатсиз бу ҳаётда,
Ахир яшаб бўларми?!

Қуш сайрар чуғир-чуғир,
Бу қандай ажиб куйдир?
Агар ишқ куйи эса,
Кўнглим оч, уни тўйдир!

Ишқ илоҳий мангу озод
Руҳ дейдилар, ростмикин?
Қуёш ювмиш қанотини,
Замин ундан пастмикин?

Сирлашар шивир-шивир
Юлдузлар, бу не куйдир?
Агар ишқ куйи эса,
Кўнглим оч, уни тўйдир!

Эврилиш

Юрагимга сиғмаяпти шеър,
 Улкан тоғлар кифтимда гўё.
 Ҳаёт энди этади таҳқир,
 Бир каромат кўрсатар дунё.
 Шу жуссага шунчалик ташвиш,
 Ўйлаяпман, фикрларим суст.
 Билдим, бари бекорчи юмуш,
 Юрагимга ўзинг бўйла, дўст.
 Кел, шаробни кўрайлик баҳам,
 Тоғлар ғариб осмон олдида.
 Ўртамизда мўъжаз сойлик ҳам
 Бир пиёла шароб қолди-да...
 Капалакка ўхшайди кунлар,
 Ҳеч юракка тутқич бермайди.
 Майсаларга чўкади тунлар,
 Қонлар сокин, кўпчиб урмайди.
 Ана кўклам, бўй чўзди яна,
 Куйлаяпти боғда зарғалдоқ.
 Наҳот ҳаёт қиз яноғига
 Қўниб олган битта қизғалдоқ?..
 Юрагимга сиғмаяпти шеър,
 Улкан тоғлар кифтимда гўё.
 Ҳаёт энди этади таҳқир,
 Бир каромат кўрсатар дунё.

Манзара

Қулаб тушди жарликка уруғ,
Нуқта янглиғ кўринди осмон.
Атрофи заҳ, ўт-ўлан чуруқ,
Нафас олмоқ эмасди осон.
Нам тупроққа берди бағрини,
Чорлаганда бир парча қуёш.
О, табиат, сенинг қаҳрингни
Ювиб турди кўзидаги ёш.
Қароликда сўнмади умид,
Илдиз отди, чиқарди япроқ.
Азобларга сақлади сукут,
Нур кўринди кўзига оппоқ.
Ўтиб кетди бешафқат йиллар,
Уруғ кўкка қулоч отарди.
Ажаб ерда турли дарахтлар...

* * *

Тотли асли муҳаббат жоми,
 Уни оғу дегани ёлгон.
 У шоирнинг сўнмас илҳоми,
 Гул танидан тўкилган ол қон.
 Биз ҳам уни тотмаганмидик,
 Эҳтирослар олови айтсин.
 Ширин ҳисга ботмаганмидик,
 Тортиқ кўриб лаблар бўсасин.
 Ўтди йиллар қолдириб доғда,
 Энди қўмсаб яшайман, ҳилол.
 Иккимизни кутган чорбогда
 Сенга атаб айтаман ғазал.
 Яна ҳаёт этади мафтун,
 Ўтдек қизиб кўпирар қоним.
 Севги оғу бўлди ўша кун,
 Лабларимиз текканда, жоним.
 Бунча ширин ботади дилга,
 Орзиқади юрак энтикиб.
 Улкан дардлар солиб кўнгилга,
 Яшаяпман йўлга кўз тикиб.
 Тотли асли муҳаббат жоми,
 Уни оғу дегани ёлгон.
 У шоирнинг сўнмас илҳоми,
 Гул танидан тўкилган ол қон...

* * *

Кўнглимиз кўнгилдан истади малҳам,
Кўринди хаслар ҳам атиргул мисол.
Лойиқми нолойиқ, биз билмасак ҳам,
Сизни тушда кўриш келмади малол.
Кўнглимиз кўнгилдан истади жавоб,
Саболар дил силар бетиним, беун.
Мана кафтингизга келтирдик савоб,
Қирмизи юракни тутганча бу кун.
Кўнглимиз кўнгилдан истади юпанч,
Келавердик мана сизга интилиб.
Сизнинг кўчангиз музлаган, сирпанч,
Тойринсак кетади юрак ситилиб.
Кўнглимиз кўнгилдан барибир шодон,
Ахир тинглаяпсиз гапларимиз жим.
Сўзимиз тарашлаб ололсак обдон,
Бизники бўласиз бир куни, гулим.

Устоз

Давраларда баъзида мендан
Сўраб қолар устозингиз ким?
Ўйлантирар бир ҳис ўшандан —
Йўқ, деганим ёлғондир балким?
Ўз элимда одат бор азал,
Менга ҳам ёт эмасдир, дўстим.
Ўзбек эмас, дейишар аввал
Икки қатор шеър ёзмаган ким!
Илк бешикда эшитдим алла,
Бу алланинг шовқи жаҳондир.
Устоз бўлди онам куй ила,
Устозим — ҳур Ўзбекистондир!

Ҳолат

Столлар айлана,
 Стуллар ихчам.
 Атрофда чуғур йўқ,
 Атроф нега жим?
 Кўнгилда шубҳа,
 Сесканиш кезар.
 Тўрдаги раис ҳам
 Секин кузатар.
 Айлана даврада
 Фикрлар тансиқ.
 Безовта юракда
 Қўзғолар иссиқ.
 Ялтир пешонада
 Маржон-маржон тер.
 Қолганлар бепарво,
 Ким ғамини ер?
 Умумжамоада
 Умумфикр йўқ.
 Кичик корхонада
 Кичкина ҳуқуқ.
 Оилавий бошқарув,
 Зотидан юққан?
 Оқ кўйлакка қизил
 Галстук таққан —
 Куёв тўра ўлтирар
 Тўкканча савлат.
 Ўғил ундан кўра
 Анча бадавлат —
 Кўринар, ҳамма жим,
 Демайди бир сўз.
 Хусусий дегани
 Шу-да билсангиз...

* * *

Юлдуз қиз деб эркалайман,
Юлдузгина қизалоқ.
Ойдан оппоқ юзингизга
Қўниб олар қизғалдоқ.

Юлдуз қиз деб эркалайман,
Юлдуз сизга ўхшасин.
Мени деган кўзларингиз
Танламасин бошқасин.

Юлдуз қиз деб эркалайман,
Тукиласиз йўлимга.
Меҳрингизни залворини
Жойлаб олдим дилимга.

Юлдуз қиз деб эркалайман,
Кетар дилнинг ғубори.
Бошланади борлиғимда
Фаслларнинг баҳори.

Юлдуз қиз деб эркалайман,
Тулишади юрагим.
Бу ҳаётда ўзингиз-ку,
Ахир менинг керагим...

Сиз билмайсиз

Сиз билмайсиз, ўзимдан ортиқ
Кўришимни сизни ҳали ҳам.
Сиз билмайсиз, қароғларимда
Асрашимни чехрангиз, эркам.
Билсайдингиз, атроф мунаввар,
Тароватли жаннат мисоли.
Боқмасдингиз кўзимга ҳар кун
Бунча оғир, бунча ғуссали.
Сиз у ёнда, мен ҳам бу ёнда,
Асраяпмиз гуруримизни.
Ўртамизда бор каби уммон,
Эшитмаймиз чуғуримизни.
Ҳаёғ шундай тескари, телба,
Минг хил рангда турар товланиб.
Биз учирган оппоқ оқ қушлар
Тўрингизга тушар овланиб.
Мана, кўнгил сиздан безовта,
Биздан кетиб қолмасмикансиз.
Юрагимга муҳаббат гулин,
Сиз ўзингиз, ахир, эккансиз...
Сиз билмайсиз, ўзимдан ортиқ
Кўришимни сизни ҳали ҳам.
Сиз билмайсиз, қароғларимда
Асрашимни чехрангиз, эркам.

Мактуб

Салом, жоним!

Эсладингизми?

Бу мен, сизни қилгандим хафа.

Сурар бўлдим соғлигингизни,

Хатим сизга етгай бу дафъа.

Бормоқчийдим, боролмадим, йўқ,

Бағрингизга сиғмай қоламан.

Сизга элтар йўллар ҳам ёвуқ,

Ҳамон ўша, ёмон боламан.

Ҳуснингизни соғиндим роса,

Тушларимга кирасиз ҳар кеч.

Тутқазасиз май тўла коса,

Сипқораман, енгиллар ўкинч.

Рости, бизлар ёнма-ён оқиб,

Қўшилмаган икки ирмоқмиз.

Баъзиларга қолсам-да ёқиб,

Юрагимда ўзингиз борсиз.

Сизга лойиқ ахтараман сўз,

Эҳ, кетсайди кўнглингиз ийиб.

Ҳуснингизни этганча кўз-кўз,

Қолармисиз мени ҳам суйиб...

* * *

Шўрлаб ётган сувга болакай
Қармоқ ташлар балиқ тутгани.
Шўр сув ундан яширар токай,
Балиқларнинг ўлиб кетганин,
Шундай мени алдайди ҳислар,
Кечаги кун айтилган эртак,
Эртакдаги бор эҳтирослар
Сўниб бўлган — мозори юрак!
Ахир, қуриб бўлган ниҳолни
Босса ҳамки яшил пўпанак.
Қайта унинг барг ёзмағига,
Ҳеч қачон у бўлолмас тиргак!

Тошойна

Тошойнанинг орқасидан
 Мўралайди бир қизча.
 Шу қизчанинг хаёлида
 Кетаяпман ўзимча.
 Борган сари одимларим
 Бўйсунмайди ўзимга.
 Шу қизчанинг лўппи юзи
 Кўринади кўзимга.
 Хаслар гўё майса яшил,
 Орасида бойчечак.
 Билагимдан тутиб олар
 Мисли тўлин келинчак.
 Бунча ширин, бунча ширин
 Бу дунёнинг борлиги.
 Лой кўчани бетон қилар
 Шу қизчанинг ёрлиги.
 Осмон йироқ, ер-ку яқин
 Билмади-я кўзларим.
 Юрак шипшир, қулоғимга
 Кирмади-я сўзлари.
 Термулади бунча гўзал,
 Юрак қолса соғриниб.
 Лой кўчанинг қоқ белида
 Оёқ кетди тойриниб.
 Тош ойнани орқасида
 Кетаверди шу қизча.
 Лойга белаб юракчани
 Қилдик яна тугунча...

Тошканда бир қиз бор

Тошканда бир қиз бор,
Сочига қўл тегмаган.
Тирноғида титроқ бор,
Сийнасин ишқ эгмаган,
Бебошлигим ўшал қиз.
Дудоғи лўппи-лўппи,
Қаро зулфи пардаси.
Кўзларидан ким ўпти,
Вой, бу қизнинг зардаси,
Бебошлигим ўшал қиз.
Яқинласам йўлатмас,
Қарашилини қўймайди.
Юрак дедим бўлди, бас,
Бу қиз бизни суймайди,
Бебошлигим ўшал қиз.
Тошканда бир қиз бор,
Сочига қўл тегмаган.
Тирноғида титроқ бор,
Сийнасин ишқ эгмаган,
Бебошлигим ўшал қиз.

* * *

Сизни “гўзал” дейди сочингиз силаб,
 Юзингизга тўкилар ойнинг шуъласи.
 Майин сийпалайди дудоғингизни,
 Таралар ҳаётнинг мафтункор саси.
 “Асалим” дея ҳўп эркалар суйиб,
 Капалак қўнади қабоғингизга.
 Хазонрез боғчалар гулзорга ўхшар,
 Етаклаб кетасиз ётоғингизга.
 “Ёлғизим” деб силар елкачангизни,
 Дўппилаб уради дил — юракчангиз.
 Лабингизга босар оловли лабни,
 Ёнингизда бор энди бир бўлакчангиз.
 Оқара бошлайди ногоҳ қаро тун,
 Оҳори тўкилмаган оппоқ кўйлакка —
 Кирлаган вужудни яшираркан у,
 Термулиб яшайсиз энди йўлакка.
 Ахир, биласиз-ку, узилган гулнинг
 Баргига илашса сариқ гул бехос,
 Дилтортар ифори қолмайди сира
 Ва қайта очилмас, очилмас абас...

Камтарин инсон

Йўлингда учраса кутилмаган дам, —
Бехос кўзғолгандек сахрода бўрон. —
Юраги қоп-қора кирлаган одам,
Дилинг қопласа-да қорайган ўрмон,
Муомала қиласан ўзимизга хос.
Дилини оғритиш бизларгадир ёт.
Юраги тоза деб мақтайсан бир оз,
Оҳангли сўзлардан тўқийсан баёт.
У-чи, мағрур боқар менсимай сира,
Қилмайди сени-ку пойига патак.
Ютугинг бағрини қилади хира,
Ортингдан юради силкитиб этак.
Ўтириб олади елкангга аста,
Тоғ каби харсангли юки бошингда.
Мўлтираб қарайсан ёнга оҳиста,
Ҳол сўраб турмайди ҳеч ким қошингда.
Қалбинг гижирлайди, сезасан, бироқ
Ранжитиб қўйишдан турасан чўчиб.
Баландпарвоз сўзлар, сўзлари қувроқ,
Юрагинг қафасда кетади кўпчиб.
Токи кесак каби оёқ остида
Эзилиб кетмасдан, эй, сен тирик жон, —
Итқитиб ташлагин елканг устидан
У нокас харсангни, камтарин инсон...

Кўҳинур

Мирзо Бобур бошда тутган

Бошда тож йўқса агар фоний тож талаб гавҳармидинг,
ноёб жавҳармидинг.

Кимки Темури бош эгмаса

Султон эдинг бош эгса гар икки жаҳон султониға,
оғу бўлдинг дил қониға.

Ут бағирда гиёҳ ўниб

Минг балоға дардкаш эса барг ташлади фасли баҳор,
этмингму сен тупроқда хор.

Ғамзайингдин бағри қаро

Бармоғинг етмас санарга, ёдингга тушса кечалар,
кетди беиз, оҳ, нечалар.

Сўрар бўлдим мен ҳам малак

Тафтингда гар куйса юрак этмагил ошуфта ҳол,
кўзларинг кўзимдан ол.

Сочларингни толаси

Сочларингни толаси илиндия бўйнима,
Ол сочингни ё ўзинг келармисан қўйнима.

Нозли-нозли боқасан, сўз келмади тилима,
Айтилмаган ўтли сўз куйдирдия дилима.

Оппоқ-оппоқ қадаминг ойдан олдингми дилбар,
Кўчалар эргашади кўнглим билан баробар.

Туннинг кўзи юмуқдир келаберсанг бўлмасми,
Сочларинг толасига ёстикларим тўлмасми.

Алам-алам дейдия сўз демаган кўнгилга,
Ўзинг ҳам айтмадинг сўз ўтирдия дилима.

Силайман толасини сочларингни ўзи йўқ,
Севги-севги дейдия севгисининг кўзи йўқ.

Тонглар отди кун чиқар сўрашингни қўймайсан,
Сўз демаган кўнгилни эзиб-эзиб тўймайсан.

Нима қилай сен пари мен бир ғариб бечора,
Қистаниба-қистаниб кўнгилни қилдим қора.

Оймомажон англайди эшитилса нолишинг,
Энди тўлиб қоладия тунлар сени болишинг.

Сочларингни толаси илиндия бўйнима,
Ол сочингни ё ўзинг келармисан қўйнима...

Кўҳинур

Мирзо Бобур бошда тутган
 тож талаб гавҳармидинг,
 Бошда тож йўқса агар фоний
 ноёб жавҳармидинг.

Кимки Темур бош эгмаса
 икки жаҳон султониға,
 Султон эдинг бош эгса гар
 оғу бўлдинг дил қониға.

Ут багирда гиёҳ ўниб
 барг ташлади фасли баҳор,
 Минг балоға дардкаш эса
 этмингму сен тупроқда хор.

Ғамзайингдин бағри қаро
 ёдингга тушса кечалар,
 Бармогинг етмас санарга,
 кетди беиз, оҳ, нечалар.

Сўрар бўлдим мен ҳам малак
 этмагил ошуфта ҳол,
 Тафтингда гар куйса юрак
 кўзларинг кўзимдан ол.

Сочларингни толаси

Сочларингни толаси илиндия бўйнима,
Ол сочингни ё ўзинг келармисан қўйнима.

Нозли-нозли боқасан, сўз келмади тилима,
Айтилмаган ўтли сўз қуйдирдия дилима.

Оппоқ-оппоқ қадаминг ойдан олдингми дилбар,
Кўчалар эргашади кўнглим билан баробар.

Туннинг кўзи юмуқдир келаберсанг бўлмасми,
Сочларинг толасига ёстикларим тўлмасми.

Алам-алам дейдия сўз демаган кўнгилга,
Ўзинг ҳам айтмадинг сўз ўтирдия дилима.

Силайман толасини сочларингни ўзи йўқ,
Севги-севги дейдия севгисининг кўзи йўқ.

Тонглар отди кун чиқар сўрашингни қўймайсан,
Сўз демаган кўнгилни эзиб-эзиб тўймайсан.

Нима қилай сен пари мен бир ғариб бечора,
Қистаниба-қистаниб кўнгилни қилдим қора.

Оймомажон англайди эшитилса нолишинг,
Энди тўлиб қоладия тунлар сени болишинг.

Сочларингни толаси илиндия бўйнима,
Ол сочингни ё ўзинг келармисан қўйнима...

* * *

Ғариб ғариб куйган ғариб,
 Куймаганни суйган ғариб.
 Сен ҳам ғариб, мен ҳам ғариб,
 Куйган дилни суйган ғариб.
 Дала қирлар бошдоқ-бошдоқ,
 Мен ҳам дейди энди бўйдоқ.
 Сизли ғариб, сизсиз ғариб,
 Кўнгил оғрир, дала яйдоқ.
 Шамол сира тўхтай билмас,
 Бағрин ширин азоб тилмас.
 Юлай деса бир сочи йўқ,
 Шундан очиқ уйга қўймас.
 Ғариб-ғариб суйган ғариб,
 Суймаганга куйган ғариб.
 Тоғлар сокин тўкилади,
 Ғарибликни туйган ғариб.
 Қуёш ғариб, ой ҳам ғариб,
 Тўлиб оққан сой ҳам ғариб.
 Куни узра нон емаган,
 Нон еганлар бой ҳам ғариб.
 Осмон ана, Ер ҳам мана,
 Ташқарида ким бор сана.
 Нечун энди куймоқ кўнгил,
 Тупроқники ғариб тана.
 Ғариб-ғариб куйган ғариб,
 Куймаганни суйган ғариб.
 Сен ҳам ғариб, мен ҳам ғариб,
 Куйган дилни суйган ғариб...

Лирика

Кўксингизда бир гул унар,
Ифорлари бинойи.
Кўкда сузган ой ой эмас,
Сиз оламнинг чин ойи.
Минглаб-минглаб юлдузчалар
Кўзингизга жойлашган.
Кўзларимга минг бир тугун
Тутиб сизга бойлашган.
Куёш тафти оловми ё
Кўксингиздан чиққан нур.
Тикилибгина қарашингиз
Менда уйғотар ғурур.
Ўртамизда ўйнар сароб,
Тутқич бермас узоқлаб.
Тўкилади косада май,
Ишқимизга теккач лаб.
Келинг энди қошгинамга
Ё мен борай чорланг сиз.
Бу оламини жаннат атаб,
Яшагаймиз иккимиз.

Танишимга

Иккимизни сиғдирган йўлак,
 Нафратлидир бугун ростданам.
 Йўл четида ташландиқ кўйлак —
 Дўстлигимиз либоси, ошнам.
 Ёруғликнинг асли бағри кенг,
 Яширади гуноҳни ҳамон.
 Кўйлак ётар ташландиқ ана,
 Уни ҳеч ким кўрмайди, ҳеч он.
 Кўрганда ҳам уларга нима?
 Ўзга учун қайғурмас тугал.
 Тортмас ахир ташландиқ кема
 Нигоҳларни ўзига ҳар гал.
 Лаҳзалар бор, бўлмас унутиб,
 Қўзғолса-да нимадир туйқус. —
 Эритолмас қуёш тафти ҳам,
 Юракларни қоплаб олса муз...

Юрак монологи

Мен бир машгал, сўнмас бир маёқ,

Қололмайман ғамгин сукутда.

Бир париваш чорлади бу чоғ,

Беҳудага ёнмадим ўтда.

Қўйвор энди, қўйворгин ахир,

Мен чаманзор истадим, ё раб.

Ё суякдан қурилган қаср —

Толеймни ўтмайин қарғаб.

Шу қафасда яралдим нетай,

Менга олис эмасдир осмон.

Ул париваш қошига кетай,

Кўпирмоқда томиримда қон.

Яшаш дединг ўткинчи лаҳза,

Бораяпман олдга интилиб.

Гарчи йўллар пахсама-пахса,

Кетолмасман бунда ситилиб.

Мен бир машгал, сўнмас бир маёқ,

Қололмайман ғамгин сукутда.

Бир париваш чорлади бу чоғ,

Беҳудага ёнмадим ўтда...

Кўклам

Заминни қоплади эпкинлаб кўкат,
Қир-адирлар узра нур сочди қуёш.
Бойчечак гулига шудринг сувидан
Сирға тақиб қўйди табиат наққош.
Ажиб манзарадан жўшдию юрак,
Узоқ манзилларда нигоҳим қолди.
Чексизлик бағрига шўнғиди хаёл,
Термулиб-термулиб қароғим толди.
Кимимни ахтардим, кимни қўмсадим,
Кўксимда қолгани қайси у излар?
Қайдасиз васлингиз шу дам истадим,
Менинг чун дунёда танҳо азизлар.
Илк меҳр шарбатин тотганда қалбим,
Болалик чолғусин мақомга солдим.
Манзили шунчалар қисқайди балким,
Отамнинг меҳрига тўёлмай қолдим.
Йиллар ҳисобини қўйдим сатрлаб,
Озми, кўп саккиз йил ўтмишдир ҳорғин.
Ҳар кўклам яшадим отам хотирлаб,
Ҳар кўклам хотира олмаётир тин.
Барибир ўзгинанг яхшисан кўклам,
Хотира юкини юклагил майли.
Ҳаётнинг паст-баланд чўққисини ҳам,
Мен англаб яшайман сенинг туфайли.

II

Йиллар армонларга кетди қоришиб,
Бағримда кезинди кузак шамоли.
Менку юксалмадим ҳали қир ошиб,
Не кечар, билмадим умидим ҳоли.
Субҳидам ҳавоси соғинтирди рост,
Тўйиб эркалансам кўксимни очиб.
Ҳаёт сўқмоқлари бунча баланд-паст,
Эркалик қилмадим тўйгунча ёлчиб.
Кўз ўнгимдан кетмас онам нигоҳи,
Ўйчан фикрлари толдирди мени.
Суйганга дард берар тангри ҳам гоҳи,
Ўйчан кўзларидан тополдим маъни:
Келмоқ бор, кетмоқ бор ҳаётга азал,
Кўз юмиб боргайсан, қилма ташвишин.
Заминдан ризқингни кўтарган маҳал,
Англаб қоларкансан фалакнинг ишин.
О, кўклам, сен борсан, дилга овунчоқ,
Бойчечак гулини сийпалаб қўйдим.
Митти баргчасини силкитди чечак,
Кўзларим ёшланди, мен уни суйдим.
Онажон, жўяли қилдимми хизмат?
Сиз йўқсиз, сўрашга йўқ энди фурсат.
Ширин хотиралар қаватма-қават
Тахланди юракда, кўклам бўй кўрсат.
Барибир ўзгинанг яхшисан кўклам,
Хотира юкини юклагил майли.
Ҳаётнинг паст-баланд чўққисини ҳам,
Мен англаб яшайман сенинг туфайли.

Сўрар бўлдим

Бир кулбага қайтаман такрор,
 Илоҳий куч етаклар мени.
 Қалбим сезар, —
 Энди мен ҳеч бор
 Тополмасман у ердан сени.
 Аммо унда ёшлигимдан бир
 Ҳайкал қолган,
 Қараши совуқ.
 У ҳайкалнинг пойига гуллар
 Қўйгим келар,
 Шу бўлди йўриқ.
 У тилсиздир,
 Айтолмас бир пайт,
 Ёнганини ишқнинг ўтида.
 Ва бўлмасин сенга лойиқ бир
 Бошқа ҳайкал ўзбек юртида.
 Йўлинг тушса жоним, мабодо,
 Қилгин демам кўз ёшинг селоб.
 Бир лаҳзага тўхтаб ўтгил ва
 Севги ҳаққи этиб қўй тавоф...

Хотирлаш

Қишлоқнинг бир четида,
Кўримсизгина бир уй.
Уйнинг кунгай бетида
Томорқа чўзганди бўй.
Қиш думини қўлтиқлаб,
Қочган дамлар эди-ёв.
Терак ниҳол орқалаб,
Отам келганди яёв.
Борда кўпни кўргани,
Эртасини ўйлайди.
Ўғилларин барини,
Бир кун ўзи уйлайди.
Томорқанинг гирдига
Экди битта-битталаб.
Чидолмасдан сабримга,
Сўрадим: бунча кўп, деб.
Деди: бир кун ўсса у,
Бўлгай уйга вассалик.
Соя солиб қўйди-ку,
Бошим узра кексалик.
Билдим нега экканин:
Иш ҳақи — ойлик пулга,
Солиб бўлмас эканин,
Ҳатто рўзғорни йўлга.

* * *

Ачинмайман ўтган йилларга,
 Гарчи бахтим бўлмади ҳамроҳ.
 Қайғуга ҳам қолмадим сира,
 Қарши олди нурли бир даргоҳ.
 Истаганим кўзим олдида,
 Бўй чўзмокда бўлиқ ниҳоллар.
 Соя ташлаб бормокда ана,
 Соясида дам олсин чоллар.
 Дунё ўзи болакайнинг жўн
 Бекинмачоқ ўйини асли.
 Оймомани қувлаб борар ой,
 Куй ортидан куй янграп сасли.
 Қарғаларнинг қўшиғи ҳамон:
 Даладаги буғдойдан нолиш.
 Кўнглин берган гунчага булбул
 Ўқтин-ўқтин қилади хониш.
 Шундай ўтиб боради кунлар,
 Шундай бўлган аввал, магар ҳам:
 Фиштни тўғри теролса меъмор
 Тик қад ростлар қийшиқ девор ҳам.
 Ачинмайман ўтган йилларга,
 Гарчи бахтим бўлмади ҳамроҳ.
 Қайғуга ҳам қолмадим сира,
 Қарши олди нурли бир даргоҳ...

Сўфиёна

**Кўзни юмғил, кўзга айлансин кўнгил...
Жалолиддин Румий**

Ёпинчигим — тун кўрпаси,
Шеърим ойнинг алласи.
Қаро тупроқ кўрпачамдир,
Уйғон кўксим лоласи!
Тўрт тарафим қибла девор,
Суйиндигим гули ор.
Очил, очил кўнгил кўзи,
Ит ҳурмоқда, тун бедор!
Гадой тўрва, елкам яғир,
Кўчаларда ризқим бор.
Дил юпанчи — ой қўшиғи,
Чида кўнгил, чида ёр!
Говмиш йили, Ақраб буржи
Кўз очганим, паноҳим.
Оймомажон, йўлим ўтлоқ,
Нетай, чаён ҳамроҳим!

Эрк кўшиғи

Эрксевар дилларга кўшиқ куйлашни
 Юракдан истадим, шу бўлди мақсад.
 Фафлатда яшаб ҳам эркин, бемақсад
 Фароғат шароби ҳақда ўйлашни
 Истамай қўйганман, шундан сизларнинг
 Дил алдар кулгингиз бегона менга!
 Қалбга тузоқ қўйган сирли кўзларнинг
 Мулойим боқиши керакдир кимга?!
 Ваъдалар этасиз хилват кечалар
 Қирмиз дудоғингиз бўсасин, аммо
 Бир онлик лаззат деб умрим шунчалар
 Азоблаб яшашим истайсизми ё?
 Дил кўшиғи ҳали сизга қоронғу,
 Топталган боғда гул илганмас, нечоғ,
 Хазонрез оқшоми барг ёзаркан у,
 Кўкламга ишонар, мисоли чироғ —
 Милтираб нур сочган тун дарчасидан
 Ва мафтун қалбимни бетин чорларкан,
 Оташли эҳтирос — ўт парчасида
 Олиб ўтажакдир совуқ қорлардан!
 Сиз-чи, эй, ўзингиз қилиб масхара,
 Яшайсиз ҳаётдан инъомлар кутиб,
 Нафсоний ҳисларга кулсиз охира,
 Сизларни фалак ҳам қўйган унутиб!

Сўров

Фано хаёлимни ўғирламай тур,
Қуёш қароғимда етмагин изсиз.
Токи ўзлигимни унутиб қўймай,
“Муножот” куйини чалганда ҳофиз!

Чарх, теграмда туриб қолма сен,
Ўусним аъло дема нозик бадан қиз.
Ҳижронни унутиб қўймайин ахир,
“Муножот” куйини чалганда ҳофиз!

Таҳайюл майидан сақлан-эй, қалбим,
Селдек оқиб кетма бемақсад ҳаргиз.
Англа, қайдан келдинг, кетарсан қайга,
“Муножот” куйини чалганда ҳофиз!

Чорлов

Оёғим остига ботди
 Ёри дийдор тикони.
 Қадам қўйсам юрак оғрир,
 Қўймасам жоним мани.
 Олло насиб этди чечак,
 Қисмат юлди япроғин.
 Бир манзилда илдиз отдим,
 Бўлак қилди тупроғин.
 Бўл гўшадан қўлим тортиб
 Кетмасам, кетолмасам.
 Бу не бало, кўзда ёшим,
 Етмасам, етолмасам.
 Сен гулойим, мен Юсуфинг,
 Этагин йиртган ким у?
 О, бу тундан даъвойим бор,
 Йўлим қилди қоронғу!

МУНДАРИЖА

1. Ватан	3
2. Ҳолат	4
3. Қизғалдоқ	5
4. Ҳаёт ҳақида кўшиқ	6
5. Бир хил яшаш	7
6. Темур қабри қошида	8
7. Кондуктор	9
8. Баҳор	10
9. Яшайман танҳо	11
10. Болалик	12
11. Сангзор оҳанглари	13
12. Кўзларингда	14
13. Сўнгсизлик	15
14. Назира	17
15. Алвидо	18
16. Қизгина	19
17. Тилак	20
18. Иккиликлар	21
19. Елим	22
20. Катта хона	23
21. Туркийлар	24
22. Бўлмас	27
23. Этибди	28
24. Жон тутиб	29
25. Алданди дил	30
26. Ёлғизлик	31
27. “Мен”лик	32

28. Онамга _____	34
29. Япроқ _____	35
30. Баҳор _____	36
31. Оқ шеър _____	37
32. Тиёншон тоғ тизмалари _____	38
33. Мирзо Бобур _____	39
34. Туморим _____	40
35. Қашқадарё _____	41
36. Тўртликлар _____	42
37. Озора жонни найлайн (туркум) _____	43
38. Эврилиш _____	48
39. Манзара _____	49
40. Тотли эди _____	50
41. Кўнглимиз _____	51
42. Устоз _____	52
43. Ҳолат _____	53
44. Юлдуз қиз _____	54
45. Сиз билмайсиз _____	55
46. Мактуб _____	56
47. Шўрлаб ётган _____	57
48. Тошойна _____	58
49. Тошканда бир қиз бор _____	59
50. Сизни _____	60
51. Камтарин инсон _____	61
52. Кўҳинур _____	62
53. Сочларингни толаси _____	63

54. Ғариб	64
55. Лирика	65
56. Танишимга	66
57. Юрак монологи	67
58. Кўклам	68
59. Сўрар бўлдим	70
60. Хотирлаш	71
61. Ачинмайман	72
62. Сўфиёна	73
63. Эрк кўшиғи	74
64. Сўров	75
65. Чорлов	76

28. Онамга _____
29. Япроқ _____
30. Баҳор _____
31. Оқ шеър _____
32. Тиёншон тоғ тизмалари _____
33. Мирзо Бобур _____
34. Туморим _____
35. Қашқадарё _____
36. Тўртликлар _____
37. Озора жонни найлайн (туркум) _____
38. Эврилиш _____
39. Манзара _____
40. Тотли эди _____
41. Кўнглимиз _____
42. Устоз _____
43. Ҳолат _____
44. Юлдуз қиз _____
45. Сиз билмайсиз _____
46. Мактуб _____
47. Шўрлаб ётган _____
48. Тошойна _____
49. Тошканда бир қиз бор _____
50. Сизни _____
51. Камтарин инсон _____
52. Кўҳинур _____
53. Сочларингни толаси _____



54. Ғариб	64
55. Лирика	65
56. Танишимга	66
57. Юрак монологи	67
58. Кўклам	68
59. Сўрар бўлдим	70
60. Хотирлаш	71
61. Ачинмайман	72
62. Сўфиёна	73
63. Эрк кўшиги	74
64. Сўров	75
65. Чорлов	76



Адабий-бадий нашр

Юсуф Худойкул

**Кўнгил чечаги
Шеърлар**

**Муҳаррир: А. Файзиева
Мусаҳҳиҳ: Б. Исмоилов
Саҳифаловчи: С. Бауэр**

Теришга берилди: 20.09.2013 йил.
Босмахонага топширилди: 25.09.2013 йил.
Оқ офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60/84 $\frac{1}{16}$.
Times гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 5. Шартли б.т.: 6,7.
Адади: 1000. Баҳоси келишилган нархда
Буюртма рақами 26.
«Navro'z» нашриёти. Лицензия № АИ № 012.
Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 19-уй.

«JAVOXIR NASHR» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент ш., Муминов кўчаси, 13-уй.



**БИР КУЛБАГА ҚАЙТАМАН ТАКРОР,
ИЛОҲИЙ КУЧ ЕТАКЛАР МЕНИ.
ҚАЛБИМ СЕЗАР, –
ЭНДИ МЕН ҲЕЧ БОР
ТОПОЛМАСМАН У ЕРДАН СЕНИ.**

ISBN978-9943-381-09-4



9 789943 381094